

ЎҚУВЧИ ЁШЛАРДА МАЊНАВИЙ-ТАРБИЯВИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШДА АДАБИЁТ ОМИЛИ

Маъруф Эшпупатов

Низомий номидаги ТДПУ мустақил тадқиқотчиси(Ўзбекистон)

Аннотация

Ушбу мақолада умумтаълим мактабларининг ўқувчиларида мањнавий-тарбиявий компетенцияларни шакллантиришда адабиёт омилиниң ўрни Алишер Навоийнинг “Махбуб ул-қулуб” мисолида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: мањнавий-тарбиявий компетенция, ўқувчи-ёшлар, адабиёт, миллий қадриятлар, Шарқ мутафаккирлари, Алишер Навоий, “Махбуб ул-қулуб”, инсонпарварлик, юксак инсоний фазилатлар.

ФАКТОР ЛИТЕРАТУРЫ В ФОРМИРОВАНИИ ДУХОВНО- ПРОСВЕТИТЕЛЬСКИХ КОМПЕТЕНТНОСТИ В УЧАЩЕЙСЯ МОЛОДЕЖИ

Аннотация: В данной статье анализируется роль литературного фактора в формировании духовно-образовательных компетенций у учащихся общеобразовательных школ на примере «Махбуб ул-Кулуб» Алишера Навои.

Ключевые слова: духовно-просветительская компетентность, учащейся молодежь, литература, национальные ценности, восточные мыслители, Алишер Навои, «Махбуб ул-Кулуб», гуманизм, высокие человеческие качества.

Ўқувчи-ёшларда ватанпарварлик, инсонпарварлик, элу-юрт тақдирига дахлдорлик, миллий ўзликни англаш, миллий ғурур ва миллатга садоқат, иймон, меҳр-шафқат, поклик ва ҳалоллик, ота-онага иззат-хурмат, оиласа садоқат ва ғамхўрлик, каби мањнавий-тарбиявий компетенцияларни шакллантиришда бутун ижтимоий тузум, оила, маҳалла, таълим муассасалари ва ташкилотлари, уларнинг етакчи ғоялари, адабиёт, санъат, кино, радио, ТВ, ОАВ ва бошқа омиллар муҳим аҳамият касб этади.



Proceedings of International Scientific Conference on Multidisciplinary Studies Hosted online from Moscow, Russia

Date: 11th January, 2023

ISSN: 2835-5733

Website: econferenceseries.com

Ўз ўрнида ўсиб келаётган ёш авлодда, шу жумладан, умумтаълим мактабларининг ўқувчи-ёшларида маънавий-тарбиявий компетенцияларни шакллантиришда адабиёт омилиниңг ҳам алоҳида ўрни бор.

“Илмий асарлар ғафлат ва жаҳолатдан халос этса, бадиий асарлар дағаллик ва разолатдан халос этади. Униси ҳам, буниси ҳам кишиларни маърифатли, баҳтсаодатли бўлиши учун баб баравар фойдали ҳам зарурдир, – деб ёзади моҳир педагог ва етук олим Сафо Матчонов, – эрамизгача бўлган биринчи асрда яшаб ижод этган Рим шоири Тит Лукреций Карнинг “Нарсаларнинг табиати ҳақида” поэмаси Цицерон, Вергилий, Жордано Бруно ва Беконларни чексиз ҳайратга солган. Ньютон ва Ломоносов каби мутафаккирлар дунёқарашининг шаклланишида катта роль ўйнаган. Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутадғу билиг”, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Алишер Навоийнинг “Хамса” достонлари ҳам неча асрдирки, жамиятнинг маънавий камолотига хизмат этиб келмоқда”(3.23-24).

Аслида ҳам шундай. Зоро, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Маҳмуд Замахшарий, Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошгарий, Бурҳониддин Марғиноний Амир Темур, Хожа Аҳрор Вали, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур каби дунё цвилизациясига ўзининг бекиёс улушини қўшган буюк Шарқ мутафаккирлари қолдирган бой бадиий-маънавий мероснинг ёш авлод тарбиясидаги ўрни ва салмоғини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Улар қолдирган асарлар замирида ватанга муҳаббат, инсонийлик ғояси, умуминсоний қадриятлар мажмуи, одобахлоқ, ватанпарварлик, фидойилик, халқлар ўртасида дўстлик, тинчлик ва умуман эзгуликка даъват этувчи ғоялар, қадриятлар ётади.

Бундан кўриниб турибдики, адабиёт айни пайтда миллий қадриятларнинг энг қулай тарғиботчиси ҳамdir. Бизга яхши маълумки, миллий қадриятлар бобомерос аждодларга хос ахлоқий хусусиятларга суюнган ҳолда бошқаларга ўхшамайдиган ранг-баранглик, бетакрор мазмун ва хусусиятлар ҳамда бой ахлоқий тушунчалар йиғиндисидир. Масалан, ўзбек ёки рус халқига, қозоқ ёки қирғиз халқига, озарбайжон ёки грузин халқига хос шундай ахлоқий тушунчалар мавжудки, бу тушунчаларнинг атамаси ҳам, мазмун-моҳияти ҳам бошқа миллатлар маънавиятида учрамайди. Масалан, меҳр-оқибат, меҳршавқат, қадр-қиммат, мурувват, ҳиммат, диёнат, орият, иффат, ибо, тавозе, мулозамат, назокат, ҳалимлик, хуш феъллик, латофат, назокат, дахлдорлик,



қаноат, инсоф, оилапарварлик, карамлик каби ахлоқий фазилатларнинг сўз сифатидаги атамаси, ахлоқий қадрият сифатидаги мазмун-моҳияти қўпроқ ўзбек халқига хослиги билан ажралиб туради. “Бу ибораларни бошқа тилларга айнан таржима қилишнинг ўзи мушкул бир муаммо”[1.8], деган эди Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А. Каримов. Айни шу фазилатлар ўқувчи ёшларда шакллантирилиши лозим бўлган маънавий-тарбиявий компетенцияларнинг ўзак негизи ҳисобланади. Шу боис ҳам бу каби фазилатлар Шарқ мутафаккирлари асарларида етакчи ғоя қилиб олинган. Мисол учун биргина ана шундай эзгуликка даъват этувчи ғоялар асосига курилган нодир манбалардан бири – улуғ мутафаккир ва шоир Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-кулуб” асарини олайлик.

Асар 1500-1501 йилларда ёзилган бўлиб, маъноси “Кўнгилларнинг севгани” бўлиб, у муаллифнинг бой тажрибаси ва машаққатли ҳаёти давомида тўплаган хулосалар йиғиндиси ҳисобланади.

Навоий бу асаридан кўзлаган мақсадини асар муқаддимасида:

“...Мақсадим шуки, ҳар йўлда юрдим, оламда бўлмиш ҳар нав одам билан кўришдим, катта-кичикнинг феъл-атворини тажрибадан ўтказдим. Шу жиҳатдан, ҳамсуҳбатларни ва дўст-ёрларни бу ҳоллардан огоҳ ва хабардор қилмоқ вожиб кўринди” [2]– дейди.

Навоий бу асарида ҳам инсон ҳақида қайғуради. Унинг дардини чекади. Инсонийликка ярашиқли фазилатларни мадҳ этади. Унга зид бўлган иллатларни қоралайди. Инсонпарварлик, халқпарварлик бу асарнинг бош ғоясидир.

Асарнинг биринчи қисми “Халойик аҳволи кайфиятида”, яъни кишиларнинг аҳволи, феъл-атвори ва гап-сўзларининг аҳамияти ҳақида бўлиб, 40 фаслдан иборат. Бунда Навоий барча ижтимоий гурух ва табақаларга тавсиф беради. Жумладан, одил подшолар тўғрисида, беклар, нойиблар, вазирлар, қозилар, табиблар, шоирлар, котиблар, мунажжимлар ва бошқалар ҳақида ўз қарашларини баён этади. Шунингдек, мударрислар ҳақида гапириб, “Мударрис – мансаб ва амалдорликка қизиқмаслиги; ўзи билмайдиган илмдан дарс беришга уринмаслиги; манманлик учун дарс беришга ҳавас кўргизмаслиги...” лозим деса, мактаб ахли тўғрисида сўз кетганда, устоз бир тўда болага илм-адаб ўргатади. У юзлаб машаққат чекади. Шу жиҳатдан олганда болаларда унинг ҳаққи кўп. Устоз рози бўлса, тангри ҳам рози бўлади: Ҳақ йўлида ким санга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,



Proceedings of International Scientific Conference on Multidisciplinary Studies Hosted online from Moscow, Russia

Date: 11th January, 2023

ISSN: 2835-5733

Website: econferenceseries.com

Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила, – дейди.

Асарнинг бу қисмида яна шундай ажойиб бир фасл борки, унда оилада аёлларнинг роли борасида сўз юритилади. “Яхши хотин – оиланинг давлати ва баҳти. Уйнинг оройиши ундан, уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги ундан. Хушмуомала бўлса – жон озиғи, оқила бўлса, рўзгорда тартиб-интизом бўлади. Аммо, худо кўрсатмасин, номувофиқ хотин учраса, ўз уйингда ҳалокатли иллат пайдо бўлади”.

“Махбуб ул-қулуб”нинг 2-қисми асосан ахлоқий масалаларга бағищланиб, яхши фазилат ва ёмон хислатлар таҳлил этилади. 10 бобдан иборат бу қисмда Навоий ўз ўқувчиларига – мана бу яхши фазилат сенга ўрнак бўлсин, мана бу ёмон хислатлардан ўзингни фориг тут, - демоқчи бўлади. Бунда тавба, қаноат, сабр, тавозе ва одоб, ишқ тўғрисида баҳс юритади.

“Ҳақиқий тавба – ёмон феъллар туфайли келадиган азоб-уқубатларнинг олдини олади, гуноҳкор банданинг кўнгил кўзини гуноҳ зангидан тозалайди. Қаноатли дарвешнинг қаттиқ noni эса, тамагир шоҳнинг ноз-неъмат тўла дастурхонидан яхшироқ, дейди. Сабр – аччиқ, аммо фойда берувчи, у қаттиқ, аммо зиён-захматни даф этади... сабр шодликлар калитидир” деб атайди.

Ақлу ҳикмат ишидур бўйла маошу ойдин,

Қайда топқай муни ҳар нафспарасту худбин.

Навоий одоб ва тавозе ҳақида гапирав экан, “Одобли инсон барча одамларнинг яхшисидир ва барча халқлар учун ёқимлидир. Одобли одам ўз тенгдошлари орасида ҳам таҳсинга лойиқ ... Одоб – кичик ёшлиларни катталар дуосига сазовор қиласи... Одоб – кишилар тарафидан қилиниши мумкин бўлган ҳурматсизлик эшигини бекитади. Одобсизлик эса дўстликка путур етказади.

Тавозе ва одоб эгаларига ҳамма таъзим қиласи ва ҳурмат билдиради. Одобли ва гўзал хулқли одамлар қўпаяверса, халқнинг дўстлиги, уларнинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббати борган сари ривож топа боради. Навоий “Хос ишқ” ҳақида сўз юритар экан, “Пок кўзни пок ният билан пок юзга соладилар ва пок кўнгил у пок юзнинг шавқи ва завқи билан бекарор бўлади” деб таърифлайди.

“Махбуб ул-қулуб”нинг 3-қисми “Турли фойдали маслаҳатлар ва мақоллар” деб номланади. Унда ҳам одам ва одамийлик ҳақида, чин инсоний фазилатлар тўғрисида асрлар мобайнида халқ тажрибаси ҳамда билимининг қаймоғи бўлган фикрлар, шунингдек, шоирнинг узоқ ва мураккаб ҳаёт тажрибасининг натижалари, хулосалари келтирилган. Шоир ўзи қайта-қайта такрорлаганидек, “оз сўз – соз сўз” ҳикматига тўла риоя қиласи. Бу панд-насиҳатлар



инсонпарварлик характерига эга бўлиб, ҳар бир инсон учун уларга риоя қилиш баркамол инсон бўлиш демақдир. Айтиш керакки, Навоий юксак инсоний фазилатларни мадҳ этиш билан биргаликда айни пайтда одамлардаги салбий хислатларни ҳам қоралайди, танқид остига олади.

Навоий айтадики, “саҳву хато башарият лозими”дур. Демак, киши мутлақо хатосиз яшashi қийин. Аммо ҳамма мардлик хатони тўғри англай олиш ва уни олдини ола билишдадир.

Навоий инсонларни илм ўрганишга чорлаб, “Билмаганни сўраб ўрганганд олим, орланиб сўрамаган ўзига золим”. “Оз-оз ўрганиб, доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур” каби ҳикматларни келтиради. Мехнат, азият чекиб, илм ўргангандарни хирадманлар деб олқишлиайди.

Кишига неча келса мушкул ҳол,

Ҳикмату ақл анга эрур ҳалол – дея илм ахлига ғоят юксак баҳо беради.

Навоий ёшлик кунлари ҳақида гапириб, “Йигитлик умр гулшанининг баҳоридир ва ҳаёт оқшомининг тонгидир. Инсоннинг гўзаллиги ҳам ундан; башар авлодининг қудрати ундан”.

Мардлик, мағрурлик, саломатлик, навқиронлик барчаси унда мужассам экан, уни ҳар бўлмағур ишларга зое кетказмаслик ҳақида шундай дейди:

Аҳбоб, йигитликни ғанимат тутингиз,

Ўзни қарилик меҳнатидан кўрқутунгиз,

Ойини адовату ҳасаддин ўтунгиз,

Ҳар нав ила ўзни неча кун овутингиз [3.45]

Хуллас, Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуబ” асарида юксак инсонпарварлик ғояларини акс эттириб, келажак авлодларга қаратилган энг покиза туйғуларини, доно ўгитларини асарга қатъийлик билан теран мазмун, сержило бадиий бўёқларда баён этади. Бу ҳозирги ёшлар ўрганиши лозим бўлган битмас-туганмас хазина ҳам ҳисобланади. Шундай экан, Навоий каби буюк Шарқ мутафаккирларининг буюк меросини ўрганиш, ўргатиш орқали ақли теран, юксак маънавиятли ёшларни тарбиялашга эришиш мумкин.

REFERENS:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008 йил.
2. Алишер Навоий. Махбуб ул-қулуб.–Тошкент: Янги аср авлоди, 2019 йил.
3. Сафо Матжон. Китоб ўқиши биласизми? – Тошкент:Ўқитувчи, 1993 йил.
4. Sobirova, M., & Giyasova, M. (2019). Conventions and Traditions of Uzbekistan as a Spiritual Factor of Youth Education.
5. Abdullaeva, B., Yakubova, G., Mukhtarova, A., & Kodirova, A. (2020). Development of practical competencies of psychologists. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(6), 1143-1146.
6. Abdullaeva, B. S., Sobirova, M. A., Abduganiev, O. T., & Abdullaev, D. N. (2020). The specifics of modern legal education and upbringing of schoolchildren in the countries of the post-soviet world. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(2), 2706-2714.
7. Халиков, И., Собирова, М. А., & Бобожонова, Ш. О. (2016). Некоторые вопросы внешней политики республики Узбекистан по вопросам международного сотрудничества в области охраны природы. *Современные гуманитарные исследования*, (3), 117-120.
8. Собирова, М. А. (2013). Значение духовных ценностей в развитии национальной духовности. *Актуальные проблемы современной науки*, (5), 83-86.
9. Mamarasulovich, A. B. (2022). RELIGIOUS AND PHILOSOPHICAL FOUNDATIONS OF HUMAN MORAL DEVELOPMENT. *American Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 11, 154-163.
10. Mamarasulovich, A. B. (2022). RELIGIOUS AND PHILOSOPHICAL ASPECTS OF HUMAN MORAL DEVELOPMENT. *Conferencea*, 197-201.
11. Собирова, М. А. (2019). Формирование патриотической позиции молодежи на примерах героизма народов Узбекистана в годы Второй мировой войны. Эшелоны идут на восток. Эвакуация в Узбекистан в годы Великой Отечественной войны, 232.
12. Халиков, И., Собирова, М. А., & Муминов, Ш. (2016). МЕЖДУНАРОДНОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ПО ЧРЕЗВЫЧАЙНЫМ СИТУАЦИЯМ. *Современные гуманитарные исследования*, (3), 121-126.



13. Халиков, И., Собирова, М., & Норбоев, А. (2015). ИСТОРИЯ ВОЗНИКОВЕНИЯ ОРГАНОВ ЧРЕЗВЫЧАЙНЫХ СИТУАЦИЙ В СТРАНАХ СНГ И ИХ МЕЖДУНАРОДНОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО. *Вопросы гуманитарных наук*, (5), 18-25.
14. Халиков, И., Собирова, М. А., & Норбоев, А. (2015). РОЛЬ ОРГАНОВ ЧРЕЗВЫЧАЙНЫХ СИТУАЦИЙ В СТРАНАХ СНГ ПО ВОПРОСАМ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ И ЛИКВИДАЦИИ ЧРЕЗВЫЧАЙНЫХ ПРОИСШЕСТВИЙ. *Аспирант и соискатель*, (6), 92-97.
15. Собирова, М. А., Саматов, Х., & Никитченко, Г. В. (2015). ВОСПИТАНИЕ ПОЛИТИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ СТУДЕНЧЕСКОЙ МОЛОДЕЖИ СОВРЕМЕННОГО УЗБЕКИСТАНА. *Педагогические науки*, (4), 46-48.
16. SOBIROVA, M. (2022). Milliy g'oya tarixi va nazariyasi. *Scienweb academic papers collection*.
17. MAMARASULOVICH, A. B. (2020). ИНСОН ФАОЛИЯТИДА АХЛОҚИЙ МЕЬЁРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕЗОНЛАРИ. *Вестник Каракалпакского государственного университета им. Бердаха*.
18. Абсатторов, Б. М. (2022). ТАСАВВУФ-ЎЗ-ЎЗИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ҲАҚИҚАТНИ БИЛИШ ЙЎЛИ СИФАТИДА. *Gospodarka i Innowacje.*, 30, 167-173.
19. Абсатторов, Б. (2019). ШАХС МАЊАВИЙ-АХЛОҚИЙ БАРКАМОЛЛИГИ МЕЗОНЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНЛАРИ. *Scienweb academic papers collection*.
20. MAMARASULOVICH, A. B. (2020). ИНСОН ФАОЛИЯТИДА АХЛОҚИЙ МЕЬЁРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕЗОНЛАРИ. *Вестник Каракалпакского государственного университета им. Бердаха*.
21. Собирова, М. А. (2013). Значение духовных ценностей в развитии национальной духовности. *Актуальные проблемы современной науки*, (5), 83-86.
22. Собирова, М. А. (2019). Формирование патриотической позиции молодежи на примерах героизма народов Узбекистана в годы Второй мировой войны. *Эшелоны идут на восток. Эвакуация в Узбекистан в годы Великой Отечественной войны*, 232.
23. Абсатторов, Б. М. (2022). ТАСАВВУФ-ЎЗ-ЎЗИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ҲАҚИҚАТНИ БИЛИШ ЙЎЛИ СИФАТИДА. *Gospodarka i Innowacje.*, 30, 167-173.



- 
24. Sobirova, M., & Giyasova, M. (2019). Conventions and Traditions of Uzbekistan as a Spiritual Factor of Youth Education.
 25. Kholmuminov, J. M. (2022). THE POSITION OF TASAVVUF AND IRFAN IN MAVERUNNAHR AND KHORASAN: IBN AL-ARABI AND ABDURAHMAN JAMI (A COMPARATIVE ANALYSIS). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(9), 76-92.
 26. Холмұғынинов, Ҙ. (2021). ХУДО ВА ҲАСТӢ АЗ ДИДГОХҲОИ АРАСТУ, ФОРОБӢ ВА СИНО. *Academic research in educational sciences*, 2(10), 1115-1123.
 27. Холмұғынинов, Ҕ. М. (2021). ТАСАВВУФНИ ШАКЛАНТИРГАН МАНБАЛАР МУАММОСИ ҚИЁСИЙ ТАСАВВУФШУНОСЛИК ТАҲЛИЛИДА. *Исследование Ренессанса Центральной Азии*, 2(2).
 28. Холмұғынинов, Ж. М. (2021). МОВАРОУННАХР ФАЛСАФИЙ-ИРФОНӢЙ МАКТАБЛАРИ ВА ИБН АЛ-АРАБӢЙ ТАҶЛИМОТИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(10), 803-811.
 29. Холмұғынинов, Ҕ. (2021). ИЗУЧЕНИЯ ИСТОРИИ СУФИЗМА—ОДНА ИЗ ОСНОВ РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВЕННОГО СОЗНАНИЯ. *Academic research in educational sciences*, 2(11), 1145-1150.
 30. Холмұғынинов, Ж. (2021). СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ФАТҲЛАРИДА ҲАРБӢЙ ТАКТИКА ВА ИСЛОМИЙ ҚАДРИЯТЛАР МУТАНОСИБЛИГИ. *Academic research in educational sciences*, 2(6), 538-553.
 31. Kholmuminov, J., & Narzulla, J. (2020). INFLUENCE OF VAHDAT UL-WOOJUDE PHILOSOPHY (UNITY OF BEING) ON NAKSHBANDIYA DOCTRINES Transformation processes and special features. *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, 7(2), 297-307.
 32. Nizomi, A. B. M., & Al-Khorazmi, K. A. O. (2022). Sufism as a way of self-implementation and knowledge of the truth. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(11), 199-204.
 33. Собирова, М. А. (2019). Формирование патриотической позиции молодежи на примерах героизма народов Узбекистана в годы Второй мировой войны. Эшелоны идут на восток. Эвакуация в Узбекистан в годы Великой Отечественной войны, 232.



34. Nizomi, A. B. M., & Al-Khorazmi, K. A. O. (2022). Sufism as a way of self-implementation and knowledge of the truth. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(11), 199-204.
35. Халиков, И., Собирова, М. А., & Муминов, Ш. (2016). МЕЖДУНАРОДНОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ПО ЧРЕЗВЫЧАЙНЫМ СИТУАЦИЯМ. *Современные гуманитарные исследования*, (3), 121-126.
36. Mamarasulovich, A. B. (2022). RELIGIOUS AND PHILOSOPHICAL FOUNDATIONS OF HUMAN MORAL DEVELOPMENT. *American Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 11, 154-163.
37. Mamarasulovich, A. B. (2022). RELIGIOUS AND PHILOSOPHICAL ASPECTS OF HUMAN MORAL DEVELOPMENT. *Conferencea*, 197-201.
38. Sanakulov, A. N. (2019). MAINTENANCE OF THE WORLD OUTLOOK SECURITY IN THE INFORMATION SOCIETY. *Социосфера*, (4), 54-57.
39. Санакулов, А. Н. (2022, January). ВЫРАБОТКА ИНФОРМАЦИОННОГО ИММУНИТЕТА-КАК ЗАЛОГ ПОВЫШЕНИЯ ИНФОРМАЦИОННОЙ КУЛЬТУРЫ ЛЮДЕЙ. In *Multidiscipline Proceedings of Digital Fashion Conference* (Vol. 2, No. 1).
40. Sanaqulov, A. N. Prospective Directions of Effective Use of Virtual Technologies in Increasing the Power of Youth. *JournalNX*, 897-903.
41. Халиков, И., Собирова, М., & Норбоев, А. (2015). ИСТОРИЯ ВОЗНИКОВЕНИЯ ОРГАНОВ ЧРЕЗВЫЧАЙНЫХ СИТУАЦИЙ В СТРАНАХ СНГ И ИХ МЕЖДУНАРОДНОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО. *Вопросы гуманитарных наук*, (5), 18-25.
42. Nizomi, A. B. M., & Al-Khorazmi, K. A. O. (2022). Sufism as a way of self-implementation and knowledge of the truth. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(11), 199-204.
43. Халиков, И., Собирова, М. А., & Норбоев, А. (2015). РОЛЬ ОРГАНОВ ЧРЕЗВЫЧАЙНЫХ СИТУАЦИЙ В СТРАНАХ СНГ ПО ВОПРОСАМ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ И ЛИКВИДАЦИИ ЧРЕЗВЫЧАЙНЫХ ПРОИСШЕСТВИЙ. *Аспирант и соискатель*, (6), 92-97.
44. Собирова, М. А., Саматов, Х., & Никитченко, Г. В. (2015). ВОСПИТАНИЕ ПОЛИТИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ СТУДЕНЧЕСКОЙ МОЛОДЕЖИ СОВРЕМЕННОГО УЗБЕКИСТАНА. *Педагогические науки*, (4), 46-48.

- 
45. SOBIROVA, M. (2022). Milliy g'oya tarixi va nazariyasi. *Scienceweb academic papers collection*.
 46. Nizomi, A. B. M., & Al-Khorazmi, K. A. O. (2022). Sufism as a way of self-implementation and knowledge of the truth. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(11), 199-204.
 47. Холмуминов, Д. (2021). ИЗУЧЕНИЯ ИСТОРИИ СУФИЗМА—ОДНА ИЗ ОСНОВ РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВЕННОГО СОЗНАНИЯ. *Academic research in educational sciences*, 2(11), 1145-1150.
 48. Холмүминов, Ж. (2021). СОХИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ФАТҲЛАРИДА ҲАРБИЙ ТАКТИКА ВА ИСЛОМИЙ ҚАДРИЯТЛАР МУТАНОСИБЛИГИ. *Academic research in educational sciences*, 2(6), 538-553.
 49. Kholmuminov, J., & Narzulla, J. (2020). INFLUENCE OF VAHDAT UL-WOOJUDE PHILOSOPHY (UNITY OF BEING) ON NAKSHBANDIYA DOCTRINES Transformation processes and special features. *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, 7(2), 297-307.
 50. Kholmuminov, J., & Narzulla, J. (2020). INFLUENCE OF VAHDAT UL-WOOJUDE PHILOSOPHY (UNITY OF BEING) ON NAKSHBANDIYA DOCTRINES. *Solid State Technology*, 63(6), 26-34.
 51. Холмуминов, Д. М. (2020). ВАХДАТ УЛ-ВУЖУД ТЕОЛОГИК ТАЪЛИМОТИ ВА НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ КОНСЕНСУС*, 1(1).
 52. Холмуминов, Д. М. (2020). УЧЕНИЯ НАҚШБАНДИЯ И ФИЛОСОФИЯ «ВАХДАТ УЛ-ВУДЖУД»(ЕДИНСТВО БЫТИЯ). *Qazaqtaný*, 74.
 53. Абсатторов, Б. М. (2022). ТАСАВВУФ–ЎЗ–ЎЗИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ҲАҚИҚАТНИ БИЛИШ ЙЎЛИ СИФАТИДА. *Gospodarka i Innowacje.*, 30, 167-173.